

ИХТнинг туризм йўналиши бўйича раислиги Ўзбекистонга берилди



15:43 / 01.06.2024 1030

Кеча, 31 май куни Хива шаҳрида бўлиб ўтган Ислом Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатларнинг туризм вазирлари йиғилишида халқаро тадбирни ўтказиш бўйича Ўзбекистон томонидан амалга оширилган тайёргарлик ишлари ҳамда мамлакатда туризмни ривожлантиришда олиб борилаётган ислохотлар алоҳида эътироф этилди.

Юқори даражадаги экспертлар гуруҳи йиғилишида расмийлар томонидан ташкилотда туризм йўналиши бўйича раислик Озарбайжондан Ўзбекистонга ўтганлиги эълон қилинди.

Ўз навбатида Ўзбекистон раислигида ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида туризм ҳамкорлиги, жумладан, яшил ва барқарор туризм, смарт туризм,

туризм логистикаси ва бошқа қатор йўналишда самарали лойиҳа ва ташаббуслар амалга оширилишига ишонч билдирилди.

Манба: uza.uz